

**“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
“Дехқонобод калий заводи”**

**2023 йил учун
БИЗНЕС РЕЖАСИ**



Дехқонобод-2022й.

БИЗНЕС-РЕЖА МАЗМУНИ

1. Жамиятнинг мақсади (хулоса).....	4
2. Жамият ҳақида маълумот.....	4
2.1. Реквизитлари, ҳолати, тузилиши	
2.2. Бозор позицияси	
2.3. Мавжуд потенциал ва кутиладиган имкониятлар	
2.4. Молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар	
2.5. Бино ва иншоотлар, шунингдек, Жамиятнинг технологик жиҳозлари ҳақидаги фотоматериаллар	
3. Жамиятнинг стратегияси (тарих ва Жамиятни ташкил етишнинг дастлабки шартлари)	10
4. Бозор ва маркетинг концепсияси.....	11
4.1. Талаб ва таклиф	
4.1.1. Бозор тузилиши ва хусусиятлари	
4.1.2. Маҳсулот хусусиятлари ва сифати	
4.1.3. Тармоқнинг халқ хўжалигидаги ўрни, унинг устувор йўналишлари ва мақсадлари	
4.1.4. Мавжуд талаб, унинг ўсишини башорат қилувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар	
4.2. Маркетинг концепцияси, сотиш режаси	
4.2.1. Бозорнинг жойлашиши, бозор сегментацияси	
4.2.2. Мавжуд потенциал маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан кутилаётган рақобат	
4.2.3. Савдо дастури, савдони ташкил этиш	
4.3. Фойдаланилган товар белгилари ва маҳсулот патентлари	
5. Моддий ресурслар	15
5.1. Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар таснифи	
5.1.1. Хом ашё базасининг мавжудлиги, хом ашёнинг тасдиқланган захиралари	
5.1.2. Хом ашё сифатига қўйиладиган талаблар ва уларни тайёрлаш усуллари, маҳаллий хом ашёнинг технология талабларига мувофиқлиги.	
5.2. Энергия таъминоти	
6. Жамиятнинг жойлашган жойи	17
6.1. Танланган ҳудуднинг хусусиятлари	
6.1.2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани баҳолаш	
6.1.3. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, афзалликлари ва чекловларини ҳисобга олиш	
6.1.4. Экология, атроф-муҳитга таъсири (умумий маълумот)	
7. Лойиҳалаш ва технология	19
7.1. Йиллар давомида ривожланиши билан ишлаб чиқариш қуввати;	
7.2. Технология ва ускуналар	
7.2.1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси.	
8. Жамиятнинг кредит мажбуриятлари.....	21

- 8.1. Кредитдан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш босқичи тўғрисидаги маълумотлар;
9. 2023-2035 йилларда истиқболли ва ривожланиш стратегияси.....22
- 9.1. Корхонанинг истиқболи ва ривожланиш дастури тўғрисида маълумот;
10. Молиявий-иқтисодий ахборотлар (Бизнес-режага илова):
- 1-илова. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси;
- 2-илова. Асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ва ўсиш суръатлари;
- 3-илова. 2023 йилда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари рўйхати;
- 4-илова. Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг таҳлили;
- 5-илова. 2023 йил учун маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш прогноз параметрлари;
- 6-илова. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш дастури, маҳаллийлаштириш дастури, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш;
- 7-илова. 2023 йилда раҳбар ва мутахассислар малакасини ошириш дастури;
- 8-илова. Корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ва таннархни пасайтиришнинг умумий кўрсаткичлари;
- 9-илова. Ҳомийлик фаолияти тўғрисида маълумот;
- 10-илова. Ички аудит хизматининг харажатлар сметаси;
- 11-илова. 2023 йил учун ишлаб чиқариш режаси;
- 12-илова. 2023 йил учун маҳсулот сотиш режаси;
- 13-илова. Сарф меъёрлари
- 14-илова. Маҳсулот, иш ва хизматлар таннархини ҳисоблаш;
- 15-илова. Харажатлар сметаси;
- 16-илова. Асосий воситалар ва номоддий активлар ёйилмаси;
- 17-илова. Кредит ва қарздорликларни тўлаш жадвали;
- 18-илова. Кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар таснифи, келгуси давр харажатларининг таснифи, 07, 08, 09 счётларининг таснифи;
- 19-илова. “Устав капитали” счётининг таснифи, мақсадли тушумлар таснифи, тақсимланмаган фойда таснифи;
- 20-илова. 2023 йил учун кутилаётган баланс;
- 21-илова. 2023 йил учун кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- 21а-илова 2023 йил давр харажатларининг асосланиши
- 22-илова. 2023 йил учун кутилаётган пул оқими прогнози
- 23-илова. Автомобил транспорти хизматини таҳлил қилиш.
- 24-илова. Атроф-муҳитга ташланаётган ташланма ва чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирлари;
- 25-илова. Касбий саломатлик ва хавфсизликни таминлаш бўйича чора тадбирлари;
- 26-илова Жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари учун чора тадбирлар;
- 27-илова. Тарози асбобларини модернизация қилиш чора-тадбирлари
- 28-илова 2023 йил учун СМК;
- 29-илова. 2023 йил даромад ва харажатлари.

1. Жамиятнинг мақсади (хулоса)

Корхонанинг асосий мақсади Қашқадарё вилоятидаги Тепакўтон конининг сильвинит рудаларини қайта ишлаш асосида ишлаб чиқариш қувватини йилига 600 минг тоннага етказган ҳолда калийли ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратишдан иборат. Худуднинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг юқори бандлигини таъминлаш, жамиятнинг самарали ва барқарор иқтисодий ривожланишини, унинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда жамият аъзоларининг манфаатини таъминлаш.

2. Жамият ҳақида маълумот:

2.1. Реквизитлари, ҳолати, тузилиши;

Жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари

Номи	“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти
Юридик манзил	180405, Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Бешбулок кишлоғи Тел: +99875 612-50-00 Факс: +99875 612-50-05, Веб-сайт: www.uz-potash.uz e-mail: info@uz-potash.uz
Банк реквизитлари	Ҳисоб-китоб счёти: 20210000904620443001 АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Қарши минтақавий филиалида МФО 00854 СТИР 206887857
Устав капитали	2 301 392 924,0 минг сўм
Фаолият тури	Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш (ОКОНХ 13116)
Маҳсулот номи	Калий хлорид, ТНВБД коди 3104205000 (ГОСТ 4568-95, 1-нав 95% КСl)
Корхона эгаллаган майдон	749,41 га
Кадрлар салоҳияти	Ходимлар сони - 2013 киши.
2023 йилда ишлаб чиқариш режалаштирилган	Калий хлорид - 380,0 минг тонна

Объект тузилиши

“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти иккита ишлаб чиқариш мажмуасидан – тоғ-кон ва қайта ишлаш, шунингдек, ёрдамчи объектлар: ташки электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти, коммуникациялар, хом-ашёларни ташиш учун автотранспорт воситалари, мутахассислар учун турар-жойлардан иборат.

Тоғ-кон мажмуаси

Тоғ-кон мажмуаси бевосита Тепакўтон калий тузи конида жойлашган бўлиб, майдонининг жануби-гарбдан шимоли-шарқгача бўлган узунлиги 12 км, эни 1,5 км дан 3,0 км ни ташкил этади. Захираларни ҳисоблаш контурида унинг майдони 31,4 квадрат километрни ташкил қилади. Ишчи қатламларнинг чуқурлиги 115 м дан 925 м гача ўзгариб туради. Коннинг асосий хом ашёси сильвинит рудаси бўлиб, таркиби галит (NaCl) ва калий хлорид (KCl) дан иборат.

Тоғ-кон мажмуаси таркибига ер ости ва ер усти иншоотлари киради. Ер ости иншоотлари битта конга бирлаштирилган турли мақсадлар учун зарур бўлган кон ишлари мажмуаси билан ифодаланган. Ер усти иншоотлари асосий (кон биноти, руда омбори, юклар пункти, руда омборининг конвейер йўлакчаси, конвейер жамланмаси) ва хизмат кўрсатиш мақсадларидаги (ускуналар ва материаллар омбори бўлган механик таъмирлаш устахонаси, гараж, омборхона, ёқилги-мойлаш материаллари, трансформатор подстанцияси) бинолар ва иншоотлардан иборат. Коннинг очилиши 1-йўлак (шахтага тоза ҳаво етказиб бериш, кончиларни иш жойларига етказиб бериш, материаллар ва жиҳозларни туширишда фойдаланилади) ва 2, 3-сонли йўлак конвейер-ҳаво узатиш мосламаси орқали амалга оширилади (шахтадан чиқадиган ҳаво, сильвинит рудасини лента конвейерлари бўйлаб ташиш учун фойдаланилади).

Сильвинит рудаси “Урал” типигаги кон машинаси ёрдамида ер ости (кон) усулида казиб олинади. Қазиб олинган руда тасмали конвейерга, сўнгра ер юзасига чиқарилиб, юкловчи (погрузчик) техникалар ва юк ташувчи автотранспорт воситалари ёрдамида очик руда омборига етказилади.

Мажмуанинг сильвинит рудаси бўйича қуввати 2023 йилда таркибида KCl миқдори 22-% ли 1930,48 минг тоннани ташкил этади.

Сильвинит рудасини казиб олиш бўйича тоғ-кон мажмуаси комплексининг иш режими йилига 330 кун, кунига 3 сменали иш вақти - 8 соат, янги панелларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш учун мажмуанинг иш тартиби йилига 330 кун, кунига 2 сменали – 12 соат қилиб белгиланган.

Қайта ишлаш мажмуаси

Майдони 36 гектар бўлган мажмуа Дехқонобод темир йўл вокзалига яқин жойда, Дехқонобод шаҳридан 5 км жануби - гарбда ва Бешбулоқ қишлоғидан жанубда жойлашган.

Қайта ишлаш мажмуаси асосий цехдан - калийли ўғитлар ишлаб чиқариш цехидан (I босқич, II босқич), ёрдамчи ишлаб чиқариш тизимидан (механик таъмирлаш, омборхона, автотранспорт), ёрдамчи коммунал объектлардан (сув

таъминоти, иссиқлик таъминоти, электр таъминоти ва электр энергиясини тақсимлаш), шунингдек маъмурий ва ёрдамчи маиший объектлардан иборат.

Флотация усулида калий хлорид ишлаб чиқариш жараёни рудани майдалаш, флотация қилиш, филтрлаш, қуритиш, совутиш ва тайёр маҳсулотни кадоклашдан иборат.

Мажмуанинг иш режими йилига 330 кундан иборат бўлиб, иш сменаси кунига 2 сменадан иборат.

Ёрдамчи объектлар Ташқи сув таъминоти

Корхонани сув билан таъминлаш Пачкамар сув омборидан йилига 562,6 минг м³ ҳажмда таъминланади. Кунлик сув талаби 1614 м³, шундан технологик эҳтиёжлар учун 760,0 м³, сув тозалаш мосламаси учун 854,0 м³. Сув омборидан қайта ишлаш мажмуасигача бўлган масофа 41 км, қайта ишлаш мажмуасидан тоғ-кон мажмуасигача - 36 км (Ичимлик суви қайта ишлаш мажмуасидаги сув тозалаш иншоотидан берилади).

Ташқи газ таъминоти

Магистрал газ қувуридан йилига 8,14 млн. м³ табиий газ таъминланади. Қуритиш бўлимида (йилига 5,3 млн. м³) ва қозонхонада (йилига 2,84 млн. м³) табиий газдан фойдаланилади.

Ташқи электр таъминоти

Электр энергияси 110/35/6 кВт подстанция орқали таъминланади. 2023-йилда электр энергияга бўлган эҳтиёж 57,6 млн.кВт.соатни ташкил қилади.

Алоқа

Корхонанинг барча объектлари стационар ва мобил алоқа билан таъминланган.

Транспорт

Қазиб олинган рудани (2023-йилда 1930,48 минг тонна) тоғ-кон мажмуасидан қайта ишлаш мажмуасигача ташиш (масофа 42 км) жамиятга тегишли 10 дона МАН ТГС 41.400 русумли автомобиллар, шунингдек шартнома асосида жалб қилинган яна 40 дан ортиқ турли марказдаги самосваллар ёрдамида амалга оширилади. Калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чиқиндиларни (хвост) юк машиналари орқали тоғ-кон мажмуасида жойлашган чиқиндиларни сақлаш омборига (йилига тахминан 1450 минг тонна) ташиб кетилади.

Ишчи ходимлар учун турар жой

Қайта ишлаш мажмуасидан тахминан 1 км масофада қурилган ҳар бири 50 ўринли 2 та ётоқхона, 19 та тўрт хонали коттежлар, 30 ўринли оилавий ётоқхона коммунал хизматлар билан таъминланган. Турар-жой мажмуасида асосан жамиятнинг ишчи ходимлари ва мутахассислари жойлашган.

2.2. Бозордаги ўрни;

“Дехқонобод калий заводи” АЖ калий ўғитларининг асосий бозорлари Корея, Ветнам, Эрон ва Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳисобланади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида “Дехқонобод калий заводи” АЖ томонидан 284,5 минг тонна 78,2 млн АҚШ доллари маҳсулот экспорти режалаштирилган бўлиб, амалда 208,8 минг тонна 106,9 млн АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиш, ўртача экспорт нархи 512 АҚШ долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Маҳсулот экспорти географияси йил сайин кенгайиб, 36 та мамлакатга экспорт қилинди. Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари 41%, Украина, Хитой, Туркменистон ва Эрон хиссасига 30%, Болтиқ бўйи мамлакатлари Латвия, Литвага 12%, Ҳиндистон, Польша, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ироқ, Озарбайжон, Грузия каби мамлакатлар 14 %, бошқа мамлакатлар ҳисаси 3% ташкил этади.

Замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришлардан фойдаланган ҳолда янги турдаги маҳсулотларни чиқаришни ташкил этиш корхонани ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

2.3. Мавжуд потенциал ва кутиладиган имкониятлар;

2021 йил январь-декабрь ойларида жорий нархларда 443,1 млрд.сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бўлиб, амалда 600,1 млрд.сўмлик ишлаб чиқарилиб, кўрсаткич 135,5 фоизга бажарилди. 2020 йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ўсиш суръати - 100,5% ни ташкил этди.

2022 йил январь-сентябрь ойларида жорий нархларда 723,8 млрд.сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бўлиб, амалда 946,9 млрд.сўмлик ишлаб чиқарилиб, кўрсаткич 130,8 фоизга бажарилди. 2021 йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ўсиш суръати - 83,1% ни ташкил этди.

2023 йилда жорий нархларда 1017,4 млрд.сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати – 106 % ни ташкил этиши кутилмоқда.

Йил давомида 380,0 минг тонна калий хлорид маҳсулот ишлаб чиқариш, шундан 320 минг тонна калийли ўғитлар экспорт қилиш режалаштирилган.


2.4. Иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар;

Жамиятда 2022 йил 9 ойлиги якунлари бўйича 81,5 млрд. сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 304,5 млрд. сўм соф фойда олинди. Соф фойда кўрсаткичи 374 фоизга бажарилди ёки соф фойда ҳажми 223,0 млрд. сўмга кўпайди.

2022 йил 1 октябрь ҳолатига жамиятнинг жами дебиторлик қарздорлиги 153,7 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, йил бошига нисбатан 2,6 млрд. сўмга кўпайган.

2022 йил 1 октябрь ҳолатига жамиятнинг жами кредиторлик қарздорлиги 42,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, йил бошига нисбатан 16,8 млрд. сўмга камайган.

“Дехқонобод калий заводи” АЖ даромадлар динамикаси
2010-2023 йиллар учун



**2.5. Бино ва иншоотлар, шунингдек, Жамиятнинг технологик жихозлари
хақидаги фотоматериаллар.**



Тоғ-қон мажмуаси



Қайта ишлаш мажмуаси



3. Жамият стратегияси (жамият яратилиш тарихи ва шарт-шароитлари)

Дехқонобод калий заводи қурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1-майдаги қарорларига мувофиқ амалга оширилди. 2007 йил 17 декабрдаги ПҚ-632-сонли “Тепакўтон калий тузи кони негизда Дехқонобод калийли ўғитлар заводи қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ПҚ-748-сонли “Дехқонобод калийли ўғитлар заводи қурилишини жадаллаштириш” чора-тадбирлари тўғрисида қарорларига асосан қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Қурилишнинг умумий қиймати 128,2 млн. АҚШ доллари бўлиб, молиялаштириш тикланиш ва тараққиёт жамгармаси – 61,7 млн доллар, ХХР Эқсимбанк – 41,7 млн доллар, Кимё саноати корхоналарини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамгармаси 24,8 млн. доллар кредитлари ҳисобидан амалга оширилди.

Руда қазиб олиш бўйича биринчи босқичнинг қуввати йилига 700 минг тонна, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш қуввати йилига 200 минг тоннани ташкил этади.

Ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш

“Дехқонобод калийли ўғитлар заводи (II босқич)” қурилиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2010 йилдаги фармони, 2010 йил 29 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1442-сонли қарори, ПҚ-1455-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори билан ёрдамчи бошқарув маркази қувватларини кенгайтириш (II босқич) тўғрисида қарор қабул қилинди.

II босқичнинг қуввати йилига 400 минг тонна калий хлорид ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, шундан 75 фоизини экспортга сотиш режалаштирилган. Лойиҳадан қўзланган мақсад калийли ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, заводнинг ишлаб чиқариш қувватини 600 минг тоннага етказишдир.

Лойиҳа қўйидагиларни назарда тутати:

- тоғ-кон мажмуасида учинчи йўлакни қуриш, тоғ-кон асбоб-ускуналари ва механизмларини сотиб олган ҳолда қўшимча ер ости руда қазиб олиш панелларини кенгайтириш ва қуриш;
- Қайта ишлаш мажмуасини кенгайтириш иккинчи босқич объектларини қуриш учун мўлжалланган майдонда янги объектларни қуришни назарда тутати.

Калийли ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажминини кенгайтириш имконини бермоқда.

Калийли ўғитларга бўлган талабнинг юқорилиги, маҳсулот нархининг ўсиш тенденцияси завод ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайтиришида асосий омил бўлди.

“Дехқонобод калий заводи” АЖ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб “Дехқонобод калий заводи” МЧЖ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вориси ҳисобланади.

Жамиятда 2013 киши, жумладан, тоғ-кон мажмуасида 582 киши, қайта ишлаш мажмуасида 1431 киши меҳнат қилади. Улардан бошқарув ходимлари - 110 киши, ишлаб чиқариш ходимлари - 1520 киши, мутахассислар - 122 киши, техник ходимлар - 48 киши, хизмат кўрсатувчи ходимлар - 213 киши.

Келгусида қуйидагилар амалга ошириш кўзда тутилган:

- калийли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, рудани қайта ишлаш қувватларини йилига 2 400 минг тоннага етказиш;
- йилига 180,0 минг тонна қувватга эга гранулалли калий хлорид ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
- йилига 120,0 минг тонна калий сульфат ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

4. Бозор ва маркетинг концепсияси:

4.1. Талаб ва таклиф;

4.1.1. Бозор тузилиши ва хусусиятлари.

Ҳозирги вақтда 3 та йирик ишлаб чиқарувчи (Канада, Россия ва Беларус) калийли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисмини ташкил қилади. Энг йирик этказиб берувчилар Potash Corp. Канада (13,2 миллион тонна), Беларускали (7,5 миллион тонна), К + С Германия (6,0 миллион тонна), Mozaik, шунингдек, Россия Уралкалий (9,2 миллион тонна) ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига кўра, қишлоқ хўжалиги экинларининг калийли ўғитларга бўлган илмий асосланган эҳтиёжи соф ҳолда 313,6 минг тоннани, пахтачилик ва галлачилик, сугориладиган ерларнинг эҳтиёжи эса 173,4 минг тоннани, ёки умумий эҳтиёжнинг 55% ташкил этади.

Калий хлорид истеъмолининг ўртача глобал тақсимооти қуйидагича (%):

тўғридан-тўғри ўғит сифатида	79;
мураккаб ўғитларнинг бир қисми сифатида	8;
биоёқилги учун ўсимлик ўғитлари	2;
саноатда фойдаланиш	11

4.1.2. Маҳсулот хусусиятлари ва сифати:

Олинган маҳсулотларнинг сифати қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан ГОСТ 4568-95 га мос келади: калий хлорид (KCl) - камида 95% ёки калий оксиди (K₂O) бўйича - 60% дан кам эмас, намлик - 1% дан кўп эмас.

Калий хлорид экинларнинг ўсишининг асосий физиологик жараёнларида иштирок этадиган жуда функционал минерал ўғитдир.

Шаклланган ҳосилнинг бир бирлиги учун калий истеъмоли минерал озикланишнинг бошқа элементларига қараганда сезиларли даражада юқори. Бу,

айникса, кўп миқдорда шакар, крахмал, ёғ ҳосил қилувчи экинлар учун тўғри келади, уларнинг калий миқдори 6-8% га етади.

Калийли ўғитлар, қоида тариқасида, азотли ва фосфорли ўғитлар билан биргаликда қўлланилади. Ҳосилдорликни оширишдан ташқари, калийли ўғит илдиз тизимининг тўлиқ ривожланишини таъминлайди, метаболизмни рағбатлантиради, об-ҳаво шароитларига, касалликларга ва зараркунандаларга чидамлилигини оширади, меваларнинг таъмини яхшилади, уларни узок муддатли сақлаш ва ташишга чидамли қилади, шунингдек пахта толаси чидамлигини оширади.

Калий элементининг етишмаслиги билан уруглар униб чиқишини йўкотади, ниҳоллари камроқ фаоллашади ва катталар ўсимликлар баргларини йўкотади, мевалардаги шакар миқдори камаяди.

Сабзавот ва мевали экинларда калий хлориддан фойдаланганда меваларнинг куриб қолиши камаяди ва ҳосилдорлиги кескин ошади, уларнинг таъми, хушбўйлиги ва сақлаш сифати яхшиланади. Картошкада илдиз меваларидаги крахмал миқдори ортади. Қанд лавлаги илдизида сахароза миқдори ортади. Мева ва резавор меваларда С витамини, шунингдек, пектин моддалари кўпаяди.

Шуни таъкидлаш жоизки, калий ўғитидан озикланиш, айникса, мевали дарахтлар ва буталарида илдиз тизимининг ўсишида кучли омил ҳисобланади.

Калий хлорид тиббиёт, парфюмерия, металлургия, кимё ва нефт-газ саноатида (бургулаш суюқликларини тайёрлаш учун реагент сифатида), шунингдек, бошқа соҳаларда қўлланилади.

4.1.3. Тармоқнинг халқ хўжалигидаги ўрни, унинг устувор йўналишлари ва мақсадлари;

Кимё саноати у халқ хўжалигининг барча тармоқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, агросаноат мажмуасида асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда кимё саноатини янада ривожлантириш Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

2019 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестиция жозибadorлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4265-сон қарори қабул қилинган бўлиб, унда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, қайта ишлашни чуқурлаштириш кўзда тутилган. Асосий маҳсулотлар, активлардан оқилона фойдаланиш ва замонавий усулларни “Ўзкимёсаноат” АЖ фаолиятига жорий этиш, инвестиция дастурини амалга ошириш ва кимё ишлаб чиқаришни диверсификация қилишни ошириш, унинг қувватини ошириш, шунингдек, кимё саноати корхоналарининг молиявий барқарорлиги яхшилашдир.

4.1.4. Мавжуд талаб, унинг ўсишини башорат қилувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар;

Ўғитларга бўлган глобал талаб ~ 200 миллион тоннани ташкил этади (100% озуқавий моддалар бўйича).

Келажакда, 2023-2024 йилларда, ИФА ҳисоб-китобларига кўра, минерал ўғитлар истеъмоли ҳар йили минтақада 1 фоизга заиф суръатда ўсиб боради ва 203,5 миллион тоннани ташкил қилади. Жаҳон истеъмоли ўсишининг деярли 80% Лотин Америкаси, Жанубий Осиё, Африка ва Шарқий Европага тўғри келади.

Бу даврда ўғитлар ишлаб чиқаришга 110 миллиард доллар сармоя киритиш ва бутун дунё бўйлаб 70 та янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режалаштирилган, бу эса жами етказиб бериш ҳажмини 1,3 фоизга оширади.

Ўғитларнинг барча турларига бўлган талабнинг ҳаракатлантирувчи омиллари дон ишлаб чиқарувчилари (-85%), шунингдек, жадал ривожланаётган биоёқилги Жамиятлари (асосан уларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш туфайли) ҳисобланади.

Ўғитларнинг энг йирик истеъмолчилари Осиё минтақаси (Хитой, Индонезия), Яқин Шарқ (Ҳиндистон ва Покистон), шунингдек, Жанубий Америка (Бразилия) ва Шимолий Америка (АҚШ ва Канада) мамлакатлари ҳисобланади.

Келажакда талабнинг ўсиши секинлашиши кутилмоқда, чунки асосий фойдаланувчилар гектар ер учун истеъмол чегарасига етиб борган ва янги қўллаш технологиялари ва атроф-муҳит конунчилигининг кучайиши ўғитлардан фойдаланишни оптималлаштиришга олиб келади. Калийли ўғитларга бўлган талаб вақт ўтиши билан барқарор бўлиб, ўсиш потенциали йилига 1-2% гача ортиши мумкин.

Дунёдаги энг машҳур калийли ўғит калий хлориддир (калийли ўғитларга бўлган талабнинг 90% дан ортиги). 2017 йил охирига келиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотларига кўра, жаҳон калийли ўғитлар бозорининг ҳажми жисмоний жиҳатдан 39,6 миллион тоннани ташкил этди (жами минерал ўғитлар бозорининг қарийб 16%). Охириги 5 йилда талаб йилига ўртача 2,4 фоизга ўсди, ўғитларга бўлган умумий талабда калийли ўғитларнинг улуши барқарор бўлди.

Калий хлорид ишлаб чиқариш асосий хом ашё селвинит рудаси қазиб олинган ҳудудларда жамланган.

Тўртта йирик ишлаб чиқарувчи (Канада, Россия, Хитой ва Беларус) га бутундунё калий таклифининг 75% дан ортиги тўғри келади. Ўртача қувватдан фойдаланиш даражаси 80%, калийли ўғитлар заводларининг умумий қуввати 58,1 млн. тоннани ташкил этади.

Мамлакатлар бўйича калий хлоридни истеъмол қилиш таркиби глобал миқёсга тўғри келади. Асосий истеъмолчилар - Осиё минтақаси, Жанубий ва Шимолий Америка мамлакатларидир.

Калий хлорид истеъмолининг прогноз динамикаси калийли ўғитлар бозорининг ўсиш динамикасига мос келади. Таҳлил агентликлари (IFA, FAO) ўрта муддатли истикболда калийга бўлган талаб 1,3% га ўсишини кутмоқдалар, бозор иштирокчилари (Nutrien, йирик ишлаб чиқарувчи) кўпроқ оптимистик баҳо (йилига 3,4% гача) беришади. Шу билан бирга, истеъмол ўсишининг учдан бир қисмидан кўпроги Осиё-тинч океани ҳудуди мамлакатларига тўғри келиши кутилмоқда.

4.2. Маркетинг концепсияси, сотиш режаси

2022 йил бошида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитларга бўлган тахминий эҳтиёжи 395 минг тоннани, шу жумладан азотга – 221 минг тонна, фосфорга – 162 минг тонна, калийга – 100 минг тоннани ташкил этди.

Ўзбекистон худудлари бўйича талаб таркиби тахлили шуни кўрсатдики, умумий ҳажмнинг 70 фоиздан ортиги азотли бирикмалар, жумладан, карбамид, аммиакли селитра, аммоний сульфат ва бошқалар асосидаги минерал ўғитларга тўғри келади. Шу билан бирга, фосфорли ва калийли ўғитларнинг улуши мос равишда ўртача 19% ва 8% ни ташкил қилади. Ўғитларга энг катта эҳтиёж Қашқадарё (13,1%) ва Фарғона (9,2%) вилоятларига тўғри келади. Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ўғитларнинг умумий миқдори тахминан бир хил ёки ҳар бирида 8 фоизга яқин истеъмол қилинади. Энг паст талаб кўрсаткичи Навоий вилоятида (3,3%).

4.2.1. Бозорларнинг жойлашиши, бозор сегментатсияси;

Кейинги йилларда МДХдан ташқари мамлакатларга минерал ўғитлар экспорти кўпайди.

Шу билан бирга, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби давлатлар, МДХдан ташқари мамлакатларда – Эрон, Хитой, Афғонистон, Ҳиндистон МДХ мамлакатлари бозорида минерал ўғитларнинг анъанавий истеъмолчилари бўлиб қолмоқда.

Сўнги икки йилда Ўзбекистондан калийли ўғитлар экспортининг асосий қисмини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, яъни Малайзия, Индонезия, Япония ва Таиланд эгаллаган. Экспорт улуши кўп бўлган Европа мамлакатларга асосан Польша, Греция ва Швецария давлатлари қиради.

Узоқ хорижий мамлакатлар бозорларга Минерал ўғитлар етказиб бериш ихтисослашган портлар: Южний порти, Новороссийск (Қора денгиз, Россия), шунингдек Форс кўрфази портлари орқали асосан Ҳиндистонга ва Эрон, Хитой ва бошқаларга темир йўл орқали етказиб берилади.

2023 йилда тайёр маҳсулотларининг 24 фоизини Ўзбекистон Республикаси ички бозорига етказиб бериш, қолган 76 фоизини яқин ва узоқ хориж давлатлари Қозоғистон, Қирғизистон, Корея, Эрон, Индонезия, Литва, Латвия Польша Швецария ва бошқаларга етказиб берилиши режалаштирилган.

4.2.2. Мавжуд потенциал маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан кутилаётган рақобат;

4.2.3. Савдо дастури, савдони ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 149-сон қарорига асосан “Дехқонобод калий заводи” АЖ маҳсулотларни сотиш реал вақт режимида электрон биржа савдо тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Маҳсулотлар ваколатли органлар билан келишилган маҳсулотларни сотишнинг белгиланган ҳажмлари ва жадваллари доирасида электрон савдога жойлаштирилади.

Маҳсулотларни жўнатгандан сўнг, уч кун ичида жўнатилган маҳсулотлар учун тўловни амалга ошириш учун тегишли юк ҳужжатларини ҳисоб-клиринг палатасига тақдим этади.

Сотувчи томонидан товарни харидорга етказиб бериш тўғри бажарилгандан сўнг, биржа ҳисоб-клиринг палатаси пул маблағларини сотувчига биржа йигимлари ва жарималарни олиб ташлаган ҳолда ўтказди.

Маҳсулотлар ички бозорга завод базиси (ҒСА Деҳқонобод станцияси) асосида сотилади ва барча транспорт харажатлари харидор томонидан қопланади.

2023 йилда ички бозорга 100 минг тонна маҳсулот сотиш кутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3246-сон қарори асосида 2017 йил 1 октябрдаги “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти ташкилотлар, шу жумладан “ДКЗ” АЖ “Ўзкимёимпекс” МЧЖ орқали амалга оширилади.

4.3. Ишлатилган товар белгилари ва маҳсулот патентлари;

“ДКЗ” АЖ флотация усулида ГОСТ 4568-95 талабларига мувофиқ 1-навли, майда (мелкий) навли калий хлорид ишлаб чиқаради.

05.09.2018 дан УЗ.СМТ.04.001.07910 сертификати олинган. Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида мувофиқлиги.

Жамиятда ISO 9001:2015 стандарти жорий қилинган.

5. Моддий ресурслар:

5.1. Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар таснифи;

Хом ашё, материаллар, ресурслар ва бутловчи қисмларнинг асосий турларига қуйидагилар киради: Тепакўтон конидан олинган сильвинит рудаси, реагентлар, материаллар, қуввати 110/35/6 кВ бўлган электр подстанциясидан электр энергияси (ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қурилган) Пачкамар сув омборидан филтрланган сув, табиий газ ва бошқалар.

Асосий хом-ашё сильвинит рудаси KCl ва NaCl аралашмасидан ташкил топган.

Қайта ишлаш комплексида қуйидаги бойитиш реагентлари (флотареагент) йигувчи реагент сифатида амин C₁₆-C₂₂, суюқ парафин, сосна (терпен) мойи, хлорид кислотаси ишлатилади, депрессор флотареагент сифатида (гуруч крахмали), чанг босувчи ва маҳсулотнинг қотиб қолмаслиги учун (C₁₈-C₂₀ амин, И-40 саноат мойи), флокулянт сифатида (езда ПАА-ҒС полиакриламид ёки қишда ПОЛИ-АНС МСП, М-полифлок) ишлатилади.

5.1.1. Хом ашё базасининг мавжудлиги, хомашёнинг тасдиқланган захиралари;

Ўзбекистонда битта фаол ва битта истиқболли калий кони мавжуд бўлиб, ҳозирда фақат Тепакўтон кони ўзлаштирилиб, ҳозирда хом-ашёдан тўлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

“Дехқонобод калий заводи” АЖ хом-ашё базаси – Тепакўтон калий тузи кони захиралари Б, С1, С2 тоифаларидаги 235,9 млн. тонна мавжуд.

Коннинг захиралари қайта ҳисоблаб чиқилган ва Давлат захиралари қўмитасининг 2007 йил 1 октябрдаги 304-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Протодяконов М.М шкаласи бўйича калий конлари жинсларининг қаттиқлик коэффиценти 2-4 га тенг.

Кесишга чидамлилиги бўйича тузли жинслар тошқўмирдан 20-50% устундир. Шу сабабли, сильвинит рудаларини механик воситалар билан қазиб олишда энергия интенсивлиги нисбатан юқоридир.

Сильвинит рудасининг ҳисобланган масса зичлиги 1,27 т / м³ дан 1,38 т / м³ гача. Пўлатга ташқи ишқаланиш коэффиценти 0,4 га тенг.

Ички ишқаланиш коэффиценти - 1,0.

Табиий қиялик бурчаги 35-40 даража.

Калий хлорид минерал ўгитини ишлаб чиқариш учун хом ашё сильвинит рудаси ҳисобланади. Тепакўтон конининг сильвинит рудаси таркибидаги калий хлорид минералини технологияда флотация усулида ажратиб олинади.

Сильвинит рудасининг қайта ишлашнинг технологик хусусиятлари янчиш ва куруқ саралаш, флотация ва концентратни ажратиш, қуриштириш ва совуштириш, қадоклаш, чиқинди галитни филтрлаш, тўйинган эритмани тиндириш ва чуқтириш жараёнларининг олиб борилиши билан характерланади.

5.1.2. Хомашё сифатига қўйиладиган талаблар ва уларни тайёрлаш усуллари, маҳаллий хомашёнинг технология талабларига мувофиқлиги;

Сильвинит рудасини қатламларини қазиб чиқаришда қазиб олиш техникалари ва ускуналари ёрдамида амалга оширилади. Тог-кон мажмуасида хом ашёни тайёрлашнинг асосий босқичлари:

- ✓ Ер ости техникалари ёрдамида рудани қазитиш;
- ✓ Қазилган рудани транспортёр ленталари орқали ташиб чиқариш;
- ✓ ТКМ хом-ашё омборхонасида руда таркибидаги калий хлорид ва сувда эримайдиган қолдиқ қисмларини “Маромлаштириш низоми” талаблари асосида аралаштириш, йиғиш.
- ✓ Омборхонадаги маромлашган руда хом-ашёсини юк ташувчи транспорт воситаларида қайта ишлаш мажмуасига ташиб келтириш.

Сильвинит рудасини қайта ишлаш мажмуасига ташиш автомобил транспортида кунига 4500 - 6000 тонна ҳажмда амалга оширилади.

Сильвинит рудасини казиб олиш 8 дона комбайн комплекслари ёрдамида амалга оширилади. Рудалар ер усти мажмуасига умумий узунлиги 10 км бўлган конвейер транспортида ташилади.

ТКМ да қазииш жараёни бошлаганидан буён сильвинит рудасини қазииб олиш динамикаси



5.2. Энергия таъминоти;

5.2.1. Жамиятнинг ташқи электр таъминоти Худудй электр тармоқлари корхонаси ҳисобидаги «ДЗКУ» 110/35/6 кВ подстанциясидан чиқувчи 6 кВ фидерлар орали қайта ишлаш мажмуаси, ушбу подстанциядан чиқувчи “Кон-1” ва “Кон-2” 35 кВ ҳаво электр узатиш тармоғидан ишлаб турган “Кон” 35/6 кВ подстанциясидан чиқувчи 6 кВ фидерлар орқали тоғ-кон мажмуаси электр энергия таъминоти амалга оширилади.

Истеъмол қилинадиган электр энергия учун шартнома Дехқонобод туман электр таъминоти корхонаси билан тузилади.

5.2.2. Табиий газ таъминоти Дехқонобод туманидаги Бешбулоқ АГТС дан чиқувчи саноат коллекторидан чиқувчи газ қувурлари орқали жамият қайта ишлаш мажмуаси 1-2-босқичига газ тақсимлаш пунктларига табиий газ узатилади. Табиий газнинг кирувчи босими $6 \text{ кг} \cdot \text{С} / \text{см}^2$. Истеъмол қилинадиган табиий газ учун “Худудгаз Қашқадарё” ГТФ билан табиий газ таъминоти бўйича шартнома тузилади.

5.2.3. Ташқи сув таъминоти учун Ғузур туманидаги Пачкамар сув омборидан фойдаланилади. Пачкамар сув омборидан жамият қайта ишлаш ва тоғ-кон мажмуалари оралигида 5 та сув узатиш насос станциялари қурилган, шундан 1-2-насос станциялари орқали қайта ишлаш мажмуаси, 3-4-5-насос станциялари

орқали тог-кон мажмуаси сув таъминоти амалга оширилади. Жамият томонидан фойдаланиладиган сув таъминоти учун Пачкамар СОФБ билан шартнома тузилади.

6. Жамиятнинг жойлашган жойи:

6.1. Танланган ҳудуднинг хусусиятлари;

Тепакўтон калий ва тош тузлари кони Ўзбекистоннинг жанубида, Қашқадарё вилоятида ва қисман Туркменистон Республикасининг Чоржў вилоятида (Шўрдарё чегарасидан ташқарида) жойлашган. Тог-кон мажмуаси Дехқонобод туман вокзалидан 43 км узоқликда жойлашган.

Тог-кон мажмуасини ташкил этувчи объектларни кенгайтириш кўзда тутилган.

Бешбулоқ-Тогайтемир-Кўргонтош-Хўжаипок йўналиши бўйлаб тог-кон мажмуасига IV техник тоифали автойўл ётқизилган. Қайта ишлаш мажмуаси Дехқонобод вокзалидан қарийиб 2 км узоқликда жойлашган. Тайёр махсулотни савдо бозорларига жўнатиш учун корхона омборидан “Дехқонобод” темир йўл вокзалига жўнатиш темир йўл ва автомобил транспортида амалга оширилади.

6.1.2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани баҳолаш;

“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти қуйидаги инфратузилма билан таъминланган:

- Ташқи сув таъминоти;
- ташқи газ таъминоти;
- шлам йиғиш ҳавзасига ташқи автомобил йўли;
- ташқи темир йўл транспорти;
- ташқи электр таъминоти;

Завод ходимларига тиббий ёрдам кўрсатиш тог-кон ва ишлаб чиқариш мажмуаси ҳудудида жойлашган мавжуд соғлиқни сақлаш марказларида амалга оширилади. Жамиятда ходимларни озик-овқат билан таъминлаш учун ошхона мавжуд.

6.1.3. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, афзалликлари ва чекловларини ҳисобга олган ҳолда жойлашуви;

Қашқадарё вилояти 28,4 минг км² майдонни эгаллайди. Вилоятда 14 та туман ва 1 та вилоятга қарашли шаҳар, 4 та шаҳар типигаги посёлка, 145 та қишлоқ фуқаролар йиғини.

Вилоятда кўплаб саноат корхоналари, асосан газ, нефт қазиб олиш ва қайта ишлаш, пахта тозалаш, енгил ва қурилиш саноати корхоналари мавжуд.

Аҳоли энг зич жойлашгани вилоятнинг шимолий-шарқий қисми – Шаҳрисабз ва Китоб туманларидир. Бу Ерда иклим юмшоқ - киши илиқ ва ёзи энгил иссиқ, ёгингарчилик кўп бўлади.

Вилоят худуди орқали Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятини кўшни ва узоқ давлатлар билан боғловчи темир йўл тармоқлари ўтган.

Завод қурилгунга қадар Деҳқонобод тумани аҳолиси асосан деҳқончилик билан шугулланиб, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштирарди.

Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишга туширилиши вилоят ва бутун Қашқадарё вилоятининг техник салоҳиятини оширди. Шу билан бирга, вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам яхшиланди.

6.1.4. Экология, атроф-муҳитга таъсири (умумий маълумот);

Минтақанинг табиий шароити сувнинг камлиги билан ажралиб туради, бу жуда нозик ва заиф биологик қатламнинг ривожланишига олиб келади. Унинг литологик ва геоморфологик асосларининг антропоген бузилиши, рельеф ва тупроқ ва ўсимлик қопламнинг бузилиши билан амалга ошириладиган чизиқли коммуникациялар қурилиши ўртача экологик юк билан тор зоналарнинг шаклланишига олиб келади. Бу атроф-муҳитга маҳаллий таъсирда намоён бўлади. Бундан ташқари, атрофдаги текисликдаги яйловлар ва яйловларни оёқ ости қилиш ўсимликлар жамоалари таркибида ўзгаришларга учрайди.

Бузилган биоценоз майдонининг кўпайиши биологик маҳсулдорликнинг пасайишига ва ўз-ўзини даволаш жараёнини чеклайди, бу эса минтақанинг биологик хилма-хиллигининг пасайишида намоён бўлади. Умуман олганда, минтақадаги атроф-муҳит ҳолати мақбул деб баҳоланади.

Худудда сув танқислиги сабабли жамият ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун Пачкамар сув омборидан насос станциялари орқали сув олинади.

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ жойлашган худуднинг атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ПДК меъёридан ошмаслигини назорат қилиш мақсадида жамият томонидан атмосфера ҳавосини салмоқли ифлослантериш манбаларидан намуналар олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар ва уларга туташ худудларни стационар кузатиш пунктлари билан 2022-2023-йилларда босқичма босқич жихозлаш режалаштирилган.

7. Лойиҳалаш ва технология:

7.1. Йиллар давомида ривожланиши билан ишлаб чиқариш қуввати;

Лойиҳавий қувватга эришиш кондан қазиб олинадиган рудани ўртача 30% гача ошириш ҳисобига режалаштирилган. Конда қазиб олинадиган руда таркибини 30% гача ошириш ва унинг барқарорлигини сақлаш учун бир вақтнинг ўзида 2 та панелда ва 2 та панелда кон-капитал ва кон тайёрлаш ишларини бажариш керак.

ДКЗ ишлаб чиқаришидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш учун ҳар йили 2,4 миллион тонна руда қазиб олиш зарур, аммо мавжуд техник ва инфратузилмавий чекловлар туфайли тоғ-кон мажмуасининг жорий қуввати 2023 йилда 1930,48 минг тоннани ташкил этиш режалаштирилган ва калий хлорид ишлаб чиқариш 380 минг тоннани ташкил этади.

2010-2023 йилларда Калий хлорид ишлаб чиқариш қувватларининг динамикаси ва унинг ривожланиши



2021 йилда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 82,3 фоизни ташкил этди.

7.2. Технология ва жихозлар;

7.2.1. Технология ва асбоб-ускуналарни танлашни асослаш, технологик жараёнлар схемалари, афзалликлари ва камчиликлари, ускунанинг ишончлилиги ва етказиб берувчи кафолатлари;

Рудани қайта ишлаш технологияси.

Сильвинит рудасини бойитиш қуйидаги технологик кетма-кетликдаги бўлинмаларда амалга оширилади:

- хом ашё омбори, куруқ саралаш ва майдалаш технологик қурилмалари бўлинмаси;

- янчиш, флотация ва концентратни филтрлаш технологик қурилмалари бўлинмаси;

- куритиш ва совутиш технологик қурилмалари бўлинмаси;

- кадоқлаш технологик қурилмалари бўлинмаси;

- филтрлаш технологик қурилмалари бўлинмаси.

Руда омбори. Донадорлиги 0-50 мм бўлган сільвинит рудаси тоғ-кон мажмуасидан юк автотранспортлари билан қайта ишлаш мажмуасига етказиб келтирилади. Юк автотранспортлари томонидан олиб келинган руда бульдозер ёки юкловчи техника ёрдамида бункерга ташланади. Бункер тагида пластинкали таъминлагич жойлашган ва у рудани бир хил миқдорда тушишини таъминлайди. Кейин 1-лентали конвейер ёрдамида майдалаш учун узатилади.

Майдалаш ва саралаш бўлинмаси. 1-лентали конвейерда электромагнитли темир ушлагич ўрнатилган бўлиб, руда билан шахтадан аралашиб келган турли металл парчаларини ушлаб қолади. 1-лентали конвейердаги руда куруқ саралаш тебранма элаклари ёрдамида синфларга ажратилиб, элаклардан ўтган 5-6 мм лик хом-ашё 2-лентали конвейерга, ундан йириклари болгали майдалаш ускунасига узатилади.

Майдалаш ва саралаш бўлинмасида майдаланган руда бункерга тушади, ундан диски таъминловчи ва 3-лентали конвейер орқали бирламчи намли саралаш элакларига жўнатилади. Элаklar олдидаги руда айланма маточник билан аралаштирилади, натижада пулпа ҳосил бўлади.

Текширув-назорат элаклари синфга ажратиши 1 мм лик фракция бўлиб, элакда намловчи маточник аралашмаси аралаштирилади. Элакдан тушган фракциялар шламсизлантириш учун, ўтмаган қисми юкловчи кувур ёрдамида стерженли янчиш тегирмонига узатилади. Янчилиш мобайнида руда таркибига маточник суюқлиги аралаштирилиб, янчилган хом-ашё насос ёрдамида қайта синфга ажратиш элагига ҳайдалади. Шу қаторда 1-сільвинитли тозалашдан қайтган маҳсулот ҳам узатилади ва шу тартибда айланиш давом этади.

Шламсизлантириш. Текширув назорат элакларидан ўтган фракциялар шламсизлантириш бакига тушади ва ундан насос орқали шламсизлантириш учун I-босқич гидроциклонларига узатилади. I-босқич гидроциклонига узатилган фракция суюқ қисми II-босқич гидроциклонига узатилади. II-босқич гидроциклон суюқ қисми шламларни қуюқлаштириш жараёнига узатилади.

Флотация. Флотация жараёни асосий флотация ва 3 марталик қайта тозалов жараёнларидан иборат. I ва II босқич гидроциклонлардан ажралган қуюқ масса ўз оқими билан флотация олдида аралаштириш бакига қуйилади. Аралаштириш бакида депрессор ва йигувчи (собиратель) реагентлари кўшиб аралаштирилиб, асосий флотация машинасига узатилади.

Асосий флотациядаги кўпик маҳсулот ва 3-тозалаш флотамашинасидан чиққан кўпик маҳсулот ишқорсизлантириш бакига тушади. 1-тозалаш флотамашинасидан чиққан кўпик маҳсулот 2-тозалаш флотамашинаси истеъмолига, 2-тозалаш флотамашинасидан чиққан кўпик маҳсулот 3-тозалаш флотамашинаси истеъмолига, 3-тозалаш флотамашинасидан чиққан кўпик маҳсулот решеткада қолган маҳсулот билан аралашиб, коришма таркибида қолган NaCl тузини ювиш ва ишқорсизлантириш учун ишқорсизлантириш бакига қуйилади.

Асосий флотамашина камерасида қолувчи маҳсулот чиқинди (хвост) ҳисобланади.

Бу чиқинди насос ёрдамида чиқиндини синфларга ажратиш гидроциклонга юборилади, слив ва кум (песок) лар ўз оқимида чиқиндиларни қуюқлаштиргич бакига ва қуюқлаштиргичда қолган қолдиқ чиқинди хвост филътрининг юклаш бункерига келиб тушади. Филътрланган суюқлик хвостларни қуюқлаштирувчига, қолдиқ қисм эса 5-лентали конвейер ёрдамида вақтинчалик хвост сақлаш омборига юборилади.

Ишқорсизлантириш бакига бир вақтда ишқорсизлантириш ва фракция таркибида қолган NaCl тузини ажратиш учун бакка тоза сув юборилади. Тузларни тўйинтириш даражаси 81-83% ни ташкил этади. Концентрат ишқорсизлантирилгач лентали вакуум филътрга узатилади, олинган қолдиқ маҳсулот 7-6,5% намлигига эга ва бу маҳсулот қуритиш бўлинмасига юборилади, филътрланган маҳсулот 2-тозалов флотамашинаси истеъмоли учун юборилади.

Қуритиш ва совутиш бўлинмаси. Нам KCl (намлиги 7-6,5%) 6-лентали конвейер ёрдамида қуритгич бункерига, кейинчалик эса 7-лентали конвейер орқали барабанли қуритгичга узатилади. Барабанли қуритгич калорифер билан комплекс ҳисобланиб, калориферда ёнган табиий газ иссиқлиги ҳисобига нам маҳсулот қуритилади. Қуритилган маҳсулот (KCl) совутиш бўлинмасига юборилади. Совутиш барабанида маҳсулот иссиқлиги 100°C дан 60-70°C гача пасайтирилиб, қадоқлаш бўлинмасига юборилади.

Маҳсулотни қадоқлаш. Совутилган маҳсулот 8-лентали конвейер ёрдамида маҳсулотни юклаш ва қадоқлаш бўлинмасида узатилади. Истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиқиб маҳсулот 50 кг ёки 1 тонна ҳажмли қопларга қадоқланиши, бундан ташқари контейнер ва вагонларга тўкма ҳолда юклаб берилиши мумкин.

7.2.2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022-йил 17-ноябрда ўтказилган 51-сон йиғилиш баённомасига асосан “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан тасдиқданган 2022-йил давомида операцион харажатларни, маҳсулот таннархини камайтириш ва энергия ресурслар сарфини қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш ва энергия ресурслари сарфини қисқартириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни амалга оширишни ташкил этиш ва “Ўзкимёсаноат” АЖ нинг 2022 йил 7 мартдаги 31-сон буйругига мувофиқ жамият томонидан ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва маҳсулот таннархини тушириш бўйича 2022 йил учун 16 167,6 млрд.сўм ёки 1,3 фоизга пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган. Мазкур чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида жамиятда амалий ишлар олиб борилмоқда.

8. Жамиятнинг кредит мажбуриятлари:

8.1. Кредитдан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш босқичи тўғрисидаги маълумотлар;

Ҳозирги кунда жамият ХХР ЭКСИМБАНКИ томонидан тақдим этилган 81,18 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит мажбурияти мавжуд бўлиб, тўловлар тасдиқланган жадвалга мувофиқ ўз вақтида амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси олдида 141,1 млн. АҚШ доллар миқдорида кредит мажбурияти мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992 сонли қарорига мувофиқ “Дехқонобод калий заводи” АЖ устав жаргармасида “Ўзкимёсаноат” АЖ улушини ошириш орқали капитализация қилиш тўғрисидаги таклиф маъқулланган. “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти ягона акциядорининг қарорига асосан “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг устав капиталида “Ўзкимёсаноат” АЖнинг улуши 1 604,4 млрд. сўмга ошириши белгиланган. Ҳозирги кунда жамият устав капиталига капитализация қилишни яқунига етказиш учун амалий ишлар олиб борилмоқда.


9. 2021-2035 йилларда истиқбол ва ривожланиш:

9.1. Корхонани ривожлантириш дастури ҳақида маълумот;

2021-2035 йилларда “Дехқонобод калий заводи” АЖни янада ривожлантириш учун жамиятни ривожлантиришнинг кейинги устувор йўналишларини белгилаб берувчи “йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4992-сон қарорига мувофиқ “Ўзкимёсаноат” АЖнинг салмоқли улушини ким ошди савдосига қўйиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

"DKZ" AJ ijro organi tashkiliy tuzilmasi



JAMI: 2013 shtat
shundan, Boshqaruv xodimlari (AUP): 110 shtat birligi

2023 йил асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий ўсиш суръатлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2021 йил (факт.)	2022 йил		Бажарилиши, %	2021 йилга нисбатан ўсиш суръати, %	Прогноз 2023й.	2022 йилга нисбатан ўсиш суръати, %
				прогноз	қутилиши				
1	Товар маҳсулот ҳажми								
	амалдаги нархларда	минг сўм	600 194 951	1 041 129 134	1 433 264 828	138	х	1 144 177 612	х
	01.01.2022 й. Солиштирма нархларда	минг сўм	1 001 193 835	1 163 415 253	913 700 556	х	91,3	1 109 010 067	121
	01.12.2022 й. Солиштирма нархларда	минг сўм	х	х	956 736 518	х	х	1 144 177 612	120
2	Халқ истеъмол товарлари ҳажми	минг сўм					х		х
3	Пулли хизмат кўрсатиш ҳажми	минг сўм					х		х
4	Асосий номенклатура (амалдаги нархларда):	минг сўм	600 194 951	1 041 129 134	1 433 264 828	138	х	1 144 177 612	х
	Калий хлорид	минг сўм	594 913 407	1 041 129 134	1 430 760 784	137	х	1 144 177 612	х
	соль техническая всего:	минг сўм	5 136 826	0	2 385 639		х	0	х
	<i>в. т.ч. натрий хлористый марки А</i>	минг сўм	5 136 826	0	2 385 639		х	0	х
	<i>бошқалар</i>	минг сўм	144 718		118 406				
5	Экспорт ҳажми	минг долл.	48 799	78 238	90 441	116	185	89 600	99
6	Соф фойда	минг сўм	57 410 275	102 407 455	370 830 787	362	х	217 446 764	х

2023 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати

Т/р	Ташаббускорлар ва лойиҳаларнинг номи	Лойиҳа куввати	Амалга ошириш муддати	Лойиҳанинг умумий қиймати	хорижий шерик / қарз берувчи	Кутилаётган қолдиқ 01.01.2023 йил ҳолатига	2023 йилда ўзлаштириш прогнози			
							жами	шу жумладан молиялаштириш		
								ўз маблағлари	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	бошқала р
1	«Дехқонобод калий заводи» АЖда калий сульфати ва калий тузларининг бошқа турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	йилига 120 минг тн		61 млн долл. США	танлов савдолари натижалари билан белгиланади					
2	«Дехқонобод калий заводи» АЖда калий сульфати ва калий тузларининг бошқа турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	йилига 180 минг тн		15 млн долл. США	танлов савдолари натижалари билан белгиланади					

2022-йил 10-октябрдаги ПҚ-388-сонли қарорига мувофиқ, 2023-йил 1 июлга қадар жалб қилинган халқаро консалтинг компаниялари билан жамиятнинг фаолияти самардорлигини оширишга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида "Ўзкимёсаноат" АЖга тегишли акциялар пакетини (улушларни) хусусий инвесторларга сотиш юзасидан танловларни якунлаш ва голиблар билан тегишли битимлар имзоланишини таъминлаш белгиланган.

"Дехқонобод калпй заводи" АЖ ходимлар сони ва мехнатга ҳақ тўлаш фондининг таҳлили

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил				2022 йил				2023 йил Бизнес режа бўйича
			Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи		Бизнес режа бўйича	кутилиши	Фарқи		
					% да	кўрсаткич			% да	кўрсаткич	
1.	Ходимлар сони, жами	киши	1 940	1 939	0	-1	1 964	1 964	0	0	2 013
	шу жумладан Раҳбарлар	киши	110	110	0	0	110	110	0	0	110
	Мутахассислар	киши	115	115	0	0	127	127	0	0	122
	Техник ходимлар	киши	58	57	-2	-1	49	49	0	0	48
	Хизмат кўрсатувчи ходимлар	киши	186	184	-1	-2	198	198	0	0	213
	Ишлаб чиқариш ходимлари	киши	1 471	1 473	0	2	1 480	1 480	0	0	1 520
2.	Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб қилинганлар	киши	62	56	-10	-6	93	72	-23	-21	93
Мехнатга ҳақ тўлаш фонди											
3.	Жами МХТФ	<u>млн.сўм</u>	79 273	92 863	17	13 590	166 075	164 746	-1	-1 329	194 753
	шу жумладан <i>Ишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқ</i>	<u>млн.сўм</u>	41 647	46 992	13	5 346	91 884	89 875	-2	-2 009	110 016
	<i>Давр харажатлари билан боғлиқ</i>	<u>млн.сўм</u>	37 627	45 871	22	8 244	74 191	74 871	1	680	84 737
4.	<i>Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб қилинганлар учун тўловлар</i>	<u>млн.сўм</u>	872	1 554	78	682	1 775	3 299	86	1 524	3 300

**2020-2023 йиллар учун
ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва ходимлар сони таҳлили**

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2020 й.	2021 й.	2022 й. қўти.лини	2023 й. прогноз
Товар маҳсулоти ҳажми	млн. сўм	482 831	600 195	1 433 265	1 144 178
Асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш:					
Калий хлорид	минг тн	350	329	341	380
Маҳсулот сотишдан олинган тушум	млн. сўм	449 758	666 796	1 098 612	1 214 573
Ходимларнинг ўртача сони жами	киши	1 931	1 939	1 964	2 013
пу жумладан Раҳбарлар	киши	107	110	110	110
Мутахассислар	киши	120	115	127	122
Техник ходимлар	киши	57	57	49	48
Хизмат кўрсатувчи ходимлар	киши	185	184	198	213
Ишлаб чиқариш ходимлари	киши	1 462	1 473	1 480	1 520
ФХТШ асосида ишловчи ходимлар	киши	39	56	72	93
Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, жами	млн. сўм	66 394	92 863	164 746	194 753
пу жумладан Раҳбарлар	млн. сўм	5 987	8 348	13 312	15 799
Мутахассислар	млн. сўм	4 566	6 289	10 237	11 885
Техник ходимлар	млн. сўм	1 523	2 184	3 400	4 256
Хизмат кўрсатувчи ходимлар	млн. сўм	4 523	6 575	11 964	14 054
Ишлаб чиқариш ходимлари	млн. сўм	49 795	69 467	125 834	148 760
ФХТШ асосида ишловчи ходимлар	млн. сўм	872	1 554	3 299	3 300
Ўртача ойлик иш ҳақи	минг сўм	2 865	3 991	6 990	8 062
пу жумладан Раҳбарлар	минг. сўм	4 662	6 324	10 085	11 969
Мутахассислар	минг. сўм	3 171	4 557	6 717	8 118
Техник ходимлар	минг. сўм	2 227	3 193	5 782	7 388
Хизмат кўрсатувчи ходимлар	минг. сўм	2 037	2 978	5 035	5 498
Ишлаб чиқариш ходимлари	минг. сўм	2 838	3 930	7 085	8 156
ФХТШ асосида ишловчи ходимлар	минг. сўм	1 864	2 313	3 818	2 957
Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи	минг сўм/киши	250 042	309 538	729 768	568 394
Соф фойда	млн. сўм	1 337	57 410	370 831	217 447
1 ходимга тўғри келадиган даромад	минг сўм	692	29 608	188 814	108 021

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг 2023 йилга режалаштирилган прогноз параметрлари ҳақида маълумот

Т/р	Маҳаллийлаштирилган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2023 йилда ўзлаштириш прогнози		
			Миқдори	сумма (млн.сўм)	маҳаллийлаштириш даражаси, %
1	"Навоийазот" АЖ корхонасининг ПВХ ишлаб чиқариш цехида ишлатиладиган н-гептан реагенти ўрнини босувчи н-Гептан аналоги (н-ГА) реагенти	тонна	60,0	615,7	100,0

**2023 йилда инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш, маҳаллийлаштириш ҳамда уйдан ишлашни ривожлантириш орқали яратиладиган янги иш ўринлари
ДАСТУРИ**

Т/р	Ташкилот номи	2023 йилда янги иш ўринлари яратиш дастури			
